



II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2021 йил январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 2455,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, саноат ишлаб чиқариш индекси 117,0 фоизни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 117,6 % га тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 81,2 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг – 114,3 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 77,6 % га ўсиши кузатилди.

Асосий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, %



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш



Ишлаб чиқариладиган саноат



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

2021 йилнинг январь-март ойларида асосий иқтисодий фаолият турларини саноат ишлаб чиқариш ҳажми млрд. сўм



Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш


Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2021 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 0,3 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,011 % ни ва ўсиш суръати индекси 81,2 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат

2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2334,4 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 95,055 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 0,04 % ни (2020 йил январь-март ойларида – 0,01 %), ўрта-юқори технологияли – 43,2 % (48,5 %), ўрта-қуйи технологияли – 3,4 % (4,1 %) ва қуйи технологияли – 48,5 % (41,0 %) ни ташкил этди.

**Ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича
ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



Жами вилоят саноатида юқори технологияли тармоқда 1,0 млрд. сўмлик (2020 йил январь-март ойларида 0,2 млрд. сўм), ўрта-юқори технологияли тармоқда 1060,3 млрд. сўмлик (937,9 млрд. сўм), ўрта-қуйи технологияли тармоқда 83,1 млрд. сўмлик (80,0 млрд. сўм), қуйи технологияли тармоқда 1190,0 млрд. сўмлик (791,8 млрд. сўм) маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2021 йил январь-март ойлари учун)**

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2021 йил январь-март	2020 йил январь-март	2020 йил январь-март ойига нисбатан, % да
Енгил автомобиллар (махсус енгил автомобилларсиз)	дона	12051,0	12970,0	92,9
Махсус енгил автомобиллар	дона	2564,0	1470,0	174,4
Арок	минг литр	27,2	104,8	26,0

<i>Маҳсулот турлари</i>	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2021 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>
Узум виноси ёки узум турупини дистерлаш натижасида олинган спирт настойкалари коньяк спиртидан ташқари	минг литр	3,0	4,2	71,8
Таркибида 15 % дан кўп спирт бўлган бошқа табиий узум винолари	минг литр	137,0	94,0	145,7
Юмшоқ буғдой ва спелта уни	тонна	22180,7	23626,8	93,9
Тозаланган ўсимлик ёғи	тонна	5905,9	2043,0	2,9 м.
Хўжалик совуни	тонна	1061,3	1004,7	105,6
Пахта толаси	тонна	21589,5	13013,6	165,9
Пахта чигити	тонна	44287,3	20779,8	2,1 м.

Йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан енгил автомобиллар (махсус енгил автомобилларсиз) - 919 донага, ароқ – 77,6 минг литрга, узум виноси ёки узум турупини дистерлаш натижасида олинган спирт настойкалари коньяк спиртидан ташқари – 1,2 минг литрга, юмшоқ буғдой ва спелта уни - 1446,1 тоннага ишлаб чиқариш камайган.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 101,0 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 4,1 % ни) ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 114,3 % га ошганлиги кузатилди.

Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2021 йил январь-март ойлари учун)

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2021 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март ойларига нисбатан, % да</i>
Электроэнергия	<i>млн.кВт/ч</i>	46,1	68,8	66,9
Иссиқлик энергияси	<i>минг Гкал</i>	47,1	58,7	80,4

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 20,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,823 % ни) ташкил этди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2021 йил январь-март ойлари учун)

<i>Фаолият турлари</i>	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2021 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март ойларига нисбатан, % да</i>
Сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш бўйича хизматлар	<i>млрд.сўм</i>	24,6	124,0
Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар	<i>млрд.сўм</i>	1,0	87,6
Шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқли хавфсиз чиқиндиларини йиғиш бўйича хизматлар	<i>млрд. сўм</i>	5,5	124,0

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2021 йил январь-март ойлари учун)**


<i>Иқтисодий фаолият турлари</i>	<i>2021 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жами	2455,9	1931,9
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	0,3	0,3
<i>улардан:</i>		
Тоғ- кон саноатига боғлиқ бошқа фаолият	0,3	0,3
Қайта ишлаш саноати	2334,4	1809,8
<i>шундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	352,7	293,9
Ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	63,1	53,6
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	700,8	385,3
Кийим ишлаб чиқариш	14,0	5,0
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1,5	1,4
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, ишлаб чиқариш	6,9	4,6
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш	15,6	14,6
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,4	0,4
Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,1	0,1
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4,3	3,2
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	0,8	0,02
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	10,4	8,0
Бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	37,8	33,1

<i>Иқтисодий фаолият турлари</i>	<i>2021 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март</i>
Металлургия саноати	2,5	5,3
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	27,5	28,8
Компьютер ва электрон оптикали маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,1	0,1
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	6,1	5,7
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	41,4	3,5
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	1008,5	925,5
Мебель ишлаб чиқариш	6,6	6,6
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	28,6	26,4
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	4,8	4,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	101,0	105,2
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	20,2	16,6


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб қувватлаш, кичик бизнес субъектлари томонидан замонавий технологиялар олиб келиниши натижасида вилоятда 1351,8 млрд. сўмни истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 100,4 фоизни ташкил қилди.

**2020-2021 йил январь-март ойларида истеъмол товарлари
ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш сурати, %**



Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда озиқ-овқат ва алкоголь маҳсулотлари 353,2 млрд.сўмни ва 998,6 млрд.сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан мос равишда ўсиш суръати 112,2 фоиз ва 96,8 фоизни ташкил қилди. Жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 55,0 фоизни (2020 йил январь-март ойларида 69,7 фоиз) ташкил қилди.



Худудлар бўйича саноат ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
(2021 йил январь-март ойлари учун)
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)

<i>Шаҳар ва туманлар номи</i>	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда 1)</i>	<i>2020 йил январь-март ойларига нисбатан ишлаб чиқариш индекси %</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўм 1)</i>	<i>2020 йил январь-март ойларига нисбатан, % да</i>
Хоразм вилоят бўйича	2455,9	117,0	1351,8	100,4
Урганч ш.	449,7	114,5	203,0	143,6
Хива ш.	35,2	105,2	20,0	100,1
Боғот	70,9	93,6	29,2	103,7
Гурлан	128,3	106,7	33,4	82,2
Қўшқўпир	125,1	155,4	19,7	125,8
Урганч	88,2	107,7	46,1	125,3
Ҳазорасп	106,1	120,8	19,5	91,2
Тупрокқалъа	1042,2	102,5	834,0	92,6
Хонқа	125,5	105,9	64,2	102,2
Хива	57,3	176,7	16,9	104,7
Шовот	70,5	84,0	28,8	101,1
Янгиариқ	70,8	86,2	19,2	109,1
Янгибозор	86,1	115,8	17,8	103,4


¹⁾Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

Саноат ишлаб чиқаришда ҳудудларнинг улуши, % да



Диаграммада кўриниб турибдики, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида улуши юқори бўлган Тупроққалъа тумани 42,4 фоиз, Урганч шаҳри 18,3 фоиз, Гурлан тумани 5,2 фоиз, Қўшқўпир тумани 5,1 фоиз, Хонқа тумани 5,1 фоиз, Ҳазорасп тумани 4,3 фоиз, Урганч тумани 3,6 фоиз, Янгибозор тумани 3,5 фоизни ва ҳамда энг паст бўлган Хива тумани 2,3 фоиз ва Хива шаҳри 1,4 фоизни ташкил қилди.

**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ва нодавлат секторларида,
фоиз ҳисобида**



Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўларок Хоразм вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан 2021 йилнинг январь-март ойларида 1784,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди шунинг билан бирга давлат секторида 12,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 0,5 % ни ташкил этди, нодавлат секторида 2443,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 99,5 % ни ташкил этди.


**2021 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган
саноат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш, минг сўм**

<i>Шаҳар ва туманлар номи</i>	<i>Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш</i>	<i>Истеъмол моллари</i>
Хоразм вилояти бўйича	1295,2	713,0
Урганч ш.	3099,0	1399,0
Хива ш.	376,0	213,5
Боғот	425,3	175,3
Гурлан	857,0	223,0
Қўшқўпир	719,5	113,5
Урганч	437,4	228,5
Ҳазорасп	541,6	99,7
Тупроққалъа	18710,6	14973,2
Хонқа	665,3	340,3
Хива	388,3	114,6
Шовот	409,9	167,6
Янгиариқ	603,6	163,4
Янгибозор	975,7	201,5

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Тупроққалъа туманида (18710,6 минг сўм), Урганч шаҳрида (3099,0 минг сўм), ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (1295,2 минг сўм) юқорилигини кўрсатмоқда.

Қолган Хива шаҳри (376,0 минг сўм), Хива тумани (388,3 минг сўм), Шовот тумани (409,9 минг сўм) ва Урганч туманида (437,4 минг сўм) паст кўрсаткич эканлигини кўриш мумкин.

2021 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол молларининг ўсиши, 2020 йил январь-март ойларига нисбатан %да




Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда йилдан йилга уларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, 2021 йил январь-март ойларида вилоятда улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 123,7 % га ошишини таъминлади ва ишлаб чиқариш ҳажми 487,4 млрд.сўмни, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 19,8 % ташкил этмоқда.

**Худудлар бўйича йирик ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқаришдаги улуши, % да
(2021 йил январь-март ойлари)**




Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Хива шаҳри (100,0 %), Хива (100,0 %), Урганч (53,2 %), Боғот (38,2 %) туманларида кузатилди.

Шу билан бирга, энг кичик улуш Янгибозор (17,9 %) ва Тупроққалъа (3,2 %) туманларида кузатилди.


Қўшма корхоналарнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида 20 та қўшма корхоналар томонидан 344,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши эса 14,0 % ни ташкил этди.

**Вилоятда қўшма корхоналар маҳсулотларининг
саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, %.**




**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳудудлар бўйича қўшма
корхоналарнинг умумий ҳажмидаги улуши %**




Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 3791 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 784 таси (20,7 %) – Урганч шаҳрига, 444 таси (11,7 %) – Урганч тумани, 349 таси (9,2 %) – Хива шаҳри, 320 таси (8,4 %) Хива тумани ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик



**Янги ташкил этилган саноат кичик тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик
(2021 йил январь-март)**



Вилоятда 2021 йилнинг январь-март ойларида 320 та янги саноат кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинган бўлиб, шуларнинг 64 таси Урганч шаҳрига, 41 таси Хонқа туманига, 34 таси Урганч туманига, 29 таси Хива туманига, 27 таси Хива шаҳрига, 26 таси Ҳазорасп туманига тўғри келади.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши**

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида қиритилган 92 та лойиҳа бўйича 38,4 млрд.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**

	2020 йил январь-март	2021 йил январь-март
Лойиҳалар сони, бирлик	26	92
Корхоналар сони, бирлик	17	65
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	20,6	38,4

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари
(2021 йил январь-март)**

	<i>Лойиҳалар сони, бирликда</i>	<i>Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>Экспортга сотилган маҳсулот ҳажми, минг АҚШ доллари</i>	<i>Янги ташиқил қилинган иш ўринлари сони, бирликда</i>
Жами:	92	38,4	730,1	41
<i>шундан;</i>				
Урганч ш.	20	3,598	-	-
Хива ш.	3	-	-	-
Боғот	1	-	-	-
Гурлан	4	0,069	-	1
Қўшқўпир	2	-	-	-
Урганч	13	6,455	-	10
Ҳазорасп	8	-	-	-
Тупроққалъа	19	13,897	730,1	22
Хонқа	2	-	-	-
Хива	4	0,582	-	-
Шовот	3	10,329	-	-
Янгиариқ	9	2,739	-	5
Янгибозор	4	0,740	-	3

**Маҳаллийлаштириш дастурининг жами ишлаб чиқариш ҳажмида
туманларнинг улуши, фоизда**



2021 йил январь-март ойларида маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажми Боғот ҳамда Хонқа туманларида мавжуд эмас.

Статистик кўрсаткичларга тушунтириш

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, ўзининг носаноат бўлинмаларига ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади; ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар);

Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир;

Истеъмол моллари – асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади;

Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариш ҳажми – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот;

Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гуруҳлаш Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

Маҳаллийлаштириш даражаси – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди;

Маҳсулот сотиш ҳажми – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва акциялар бундан мустасно);

Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.